



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 12 январь № 2 (179) •

Сотувда нархи эркин

«ЎЗДУНРОБИТА» ТАРАҚҚИЁТ ЙУЛИДА

Уяли телефон алоқа хизматининг янги турларидан биридир. Республикада ушбу хизмат турини илк бор амалга оширган «Ўздунробита» — ўзбек-америка қўшма корхонасининг ташкил топганига уч йил бўлди. Қисқа муддат ичида бу корхона хизмат тармоғини бешта вилоятга тарқатириб бериб, янги техника ва технологияни жорий қилиб, мижозларга юксак даражада алоқа хизмати кўрсатмоқда.

«Ўздунробита» ўз мижозларига МТ-450 ўлчамларида ишловчи «Нокия» фирмаси қурилмаларидан, уяли телефон алоқасининг АМПС андозаларидан фойдаланишни таклиф қилди. Тез орада бу мақсадга эришиб, республикадаги уяли телефон алоқа техникалари шу андозага мувофиқ янгиланди.

Хозир республикадаги бешта вилоятда АМПС андозаси амал қилмоқда. Тошкент ва Ўрган шаҳарларида қурилмалар тўла янгиланди, Самарқанд, Қарши, Бухорода мазкур андозадаги станциялар жорий қилинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда уяли алоқанинг ягона очик тармоғи ишга туширилди. «Ўздунробита» телефон қурилмасига эга бўлган мижоз уяли телефоннинг рақамларини оддийгина териб билан истаган манзилига бир зумда «тушиши» мумкин.


Мазкур телефон хизматидан фойдаланувчи мижоз Қозоғистон ва Қирғизистондан туриб ҳам «сим» қоқиши мумкин.

«Ўздунробита» ва унинг америкалик ҳамкори «Интернейшнл Коммуникейшн групп» олаётган даромадларини фақат ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, янги техника воситаларини жорий этишга сарфламоқдалар. Улар фойдани республикадан ташқарига олиб чиқаётганлари йўқ, банклардан қарз-кредит ҳам олишмаяпти, вилоят ва шаҳарлар ҳокимиятлари мададига суяниб, мустақил фаолият юритишмоқда.

«Ўздунробита»нинг яна бир ютуғи шуки, у хизмат нархини доимий равишда пасайтириб бормоқда. Яқинда эфирдан фойдаланиш қиймати 35 фоиз арзонлаштирилди, тунги соатларда фойдаланиш хизмати учун имтиёзлар жорий қилинди.

Яна бир янгилик шуки, олдин сотиб олинган «Нокия» фирмаси МТ-450 андозасининг «Мобира», «Ситиман», «Талкман» деган қурилмалари АМПС андозасининг «Моторолла» қурилмаларига текинга алмаштирилмоқда. Булар мижозлар эҳтиёжини қондириш, уларга кўмаклашиш ва республикада олиб борилаётган ислохотларни ҳаётга тадбиқ этишга қўшилаётган салмоқли ҳиссадир.

А. КУДИНОВ



Тошкент Бош почтамтида жойлашган «Камалак-ТВ» қўшма корхонасининг бўлимига кабел телевидениеси мижозлари тез-тез ташриф буюришади. Корхона хизматчиси Н.Г.Мун уларга хушмуомалалик билан хизмат ҳақи, жамоа ва яққа тартибда кабел телевидениеси ускунасидан фойдаланиш шартлари тўғрисида тўлақонли тушунтириш ҳамда маълумот беришга ҳаракат қилаётир.

Суратқаш Т.ЛУТФУЛЛАЕВ

* Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов Туркменистон Президенти Сапармурод Ниезовнинг таклифига биноан 1996 йил

* Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда 1995 йили вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда

фармасига 147,7 тонна олтин келиб тушган: Бу 1994 йилги кўрсаткичдан 4,2 фоиз кам демакдир.

* Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе мамлакат радиоси орқали мурожаатида сўёсий ва ҳарбий кучларни бирлаштирган тақдирдагина Абхазияда тинчлик ўрнатиш мумкинлигини таъкидлади.

* Колумбия тоғларида юз берган авиация ҳалокати оқибатида 163 киши ҳалок бўлди. Экипаж сарбонининг қонидан аниқланган алкоголь ҳалокатга сабаб бўлган деган хулосага келинди.

* Афғонистонда ҳукумат кўшинлари билан муҳолифатдаги «Толибон» ҳаракати қуролли гуруҳлари ўртасидаги тўқнашувлар натижасида тинч аҳоли қурбон бўлмоқда.

* 7 январь куни Покистоннинг йирик савдо ва саноат шаҳри — Карочидан рўй берган кучли портлаш натижасида 10 киши ҳалок бўлди, 35 нафарга яқин киши жиддий жароҳатланди.

* Франциянинг энг оммавий газеталаридан бири «Инфо-матэ» ўз фаолиятини тўхтатди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

* Ингиликлар * Воқеалар * Хабарлар

16 январда Туркменистонга амалий ташриф буюради.

* Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Уткияр Султонов Буюк Британия ташқи ишлар вазири Малкольм Рифкинд билан учрашди.

* Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов Фармони билан республика қишлоқ ҳўжалик вазири Р. Хўсанов бошқа ишга ўтганиги муносабати билан ўз вазифасидан озод қилинди ва М. Жуманиезов Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалик вазири этиб тайинланди.

* БМТнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Холид Малик Нукўсга келди. У Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидан қабул қилинди.

Президент Ислоом Каримовнинг Олий Мажлис тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Э. Рўзиев шу ҳақда маъруза қилди.

* Бухорода бўлиб ўтган Бухоро шаҳри ва туманлари ҳокимлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирокидаги йиғилишда Бухоронинг 2500 йиллик тўйига тайёргарлик кўриш ва уни байрам қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

* Навоий шаҳрида меҳр-шафқат уйи очилди.

* Ўзбекистон адабиёти ва санъати ҳафтаномаси 40 ёшга тўлди.

* Дастлабки маълумотларга қараганда 1995 йили Россия Федерациясининг Давлат жам-

ТЕЗКОРЛИК, ИШОНЧЛИЛИК, МУҲОФАЗА

Бир неча дақиқада банк операциялари, савдо тузилмалари ўртасидаги ҳисоб-китоблар, давлат ва идоралар ҳўжаликларини ҳамда буйруқларини узатиш ҳаёпарастлими? Йўқ, бу ҳақиқат.

Ўзбекистонда 9 январь куни маълумотларни узатишдан «ЎЗПАК» республика компьютер тармоғи ишга туширилди. У республика Алоқа вазирлиги, «Ўбектелеком» концерни ва «Неташ» Турк-Канада фирмалари ҳамкорлиги самарасидир. Мутахассисларнинг фикрича, бу воқеа мамлакатимизни алоқа тармоғи ривожланган энг илгор давлатлар қаторига олиб чиқади.

«ЎЗПАК» тизими Тошкент Марказий телеграф бош станциясига уланиб, махсус жиҳозланган барча вилоят марказларини қамраб олган. Келажакда МДХ мамлакатлари ва бошқа давлатлар билан боғланиш ҳам режалаштирилган. Янги тизимдан фойдаланмоқчи бўлган мижоз яқин орада дунёнинг ҳар қандай бурчагига мультимедий, тижорат, фан-техника, ишлаб чиқариш каби турли компьютер маълумотларидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Бунда «ЎЗПАК» тизими ижодкорлари маълумотларни ниҳоятда тезликда олиш билан бирга, уларнинг ишончлилигини ва маълумотлар базасига ноқонуний йўл билан кириб оладиган «уддабуронлардан» муҳофаза қилишга қафолат беради.

АҚШ, ГФР, Туркия, Аргентина, Жапон ва яна бир қанча мамлакатларда худди шундай тизим юксак самара билан ишлаб турибди.

(ЎЗА)

ТЕЛЕСТУДИЯ ИШ БОШЛАДИ

Самарқандда тожик тилида курсатувлар олиб борадиган «Овози Самарқанд» телестудияси

фаолият кўрсата бошлади. Ижодий жамоанинг илк курсатуви — драматург Адаш Истад асари асосида тайёр-

ланган «Маникен» спектакли томошабинларга манзур бўлди.

ШИКОЯТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолоштириш ишлаб чиқариш бирлашмасида абонентлардан телефонларнинг носозлиги ҳақидаги шикоятларни қабул қилиш ишлари бўйича ягона бўлган марказлашган автоматик тузатиш бюросидан (МАТБ) ҳар бир телефон тармоғининг ўзида янгидан ташкил этилган автоматик тузатиш бюросига (АТБ) ўтказилди. Шу муносабат билан муҳбиримиз бирлашма техника хизмати бошлиғи Ботир ИСМОИЛОВ билан суҳбатлашди.

— Ботир Исроилевич, тармоқларда АТБ ташкил этилишидан қандай мақсадлар кўзда тутилган?

— Ҳаммага маълумки, бир неча йиллардан буён абонентлардан телефонларнинг носозлиги ҳақидаги шикоят ва хабарларни марказлашган автоматик тузатиш бюроси қабул қилар. АТСларга етказар, назорат қилар ва шу ишлар билан боғлиқ ҳамма ҳужжатларни ҳамда расмий ишларни олиб борар эди. Шунга яраша МАТБ компьютерлар, ЭХМ ва бошқа алоқа техникаси билан жиҳозланган эди. Абонентлар МАТБга чиқиш учун аввал 08 рақамни, кейин тузатилиши лозим бўлган телефон рақамини теришар ва роботга рўбарў бўлардилар. У эса «Сиз билан робот гаплашмоқда. Шикоятингиз қабул қилинди. Телефонингиз текширилади» — дея ўн марта кўнгирак қилсангиз ҳам бир хил жавобни бераверар эди. Айнан шу нарса, яъни бевосита жонли мулоқотнинг йўқлиги кўпчилик абонентларда норозилик уйғотди. Ҳар бир тармоқда ўз АТБси ташкил этганимизнинг биринчи сабаби шу. Иккинчидан одамлар билан ишлаш жараёни абонентларга яқинлаштирдик. Шикоятлар ижрочиларга тезроқ етиб борадиган бўлди. Назорат ишлари енгиллашди. Энди абонент телефонининг носозлиги ҳақида Ҳамза тармоғига 083, С.Раҳимовга 084, Мирободга 085, Мирзо Улуғбекга 086, Чилонзорга 087, Янгиободга 089 рақамларини териб, бевосита ўз тармоғига мурожаат этаверади. 29-АТС абонентлари С.Раҳимов тармоғига, 2 рақами билан бошланадиган бошқа АТС абонентлари эса Ҳамза тармоғи АТБсига мурожаат этишлари лозим. Бу ҳақда ўз вақтида газеталарда эълон ҳам берганмиз.

Бундан ташқари шикоятларни қабул қилишда абонентларга енгиллик яратиш мақсадида АТСларда 2323 рақамли (бир бинода жойлашган, икки хил индекс билан бошланадиган АТСларда эса ҳар иккала АТС учун битта) телефон ўрнат-

дик. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томондан АТСлардан АТБларга чиқадиган линиялар сонини кўпайтирдик. АТСлар билан махсус хизмат туғуни орасидаги линиялардан фойдаланиш коэффициенти оширилди.

Натижада абонентларнинг АТБларга чиқишлари анча осонлашди. Бир сўз билан айтганда хизмат кўрсатиш савияси ошди.

— Кечирасиз, тузатиш бюраларининг бевосита телефон тармоғи тасарруфига ўтказилиши натижасида шу тармоқнинг сифат кўрсаткичларини «яқши» қилиб кўрсатиш мақсадида шикоятлар сонини ҳисоботларда қандай ўзгаришлар юз бермасмикин?

— Гапингизда жон бор, албатта. Олдиндан ҳеч ким бунга қаролат бера олмайди. Сиз айтмоқчи бўлган нарсани кўзбўямачилик, фибригарлик, кўшиб ёзиш каби иборалар билан аташ мумкин. Бундай ҳоллар ҳозирча содир бўлгани йўқ. Бўлган тақдирда ҳам узоққа бормаيدди. Тезда фош бўлади ва айбдор шахс кимлигини дақиқ назар қаттиқ жазоланади, лозим бўлса жиноий жавобгарликка тортилади. Абонентларимизнинг кўнгилилари тўқ бўлаверсин. Уларнинг шикоятлари беиз, бесамар йўқолмайди, эътиборсиз ҳам қолдирилмайди. Биз МАТБни бутунлай тугатганимиз йўқ. Унга бир қатор вазифаларни бажариш билан бирга АТБ ишларини ҳам назорат қилиш топширилган. Ҳамма ахборотлар компьютерларга киритилади, МАТБга узатилади. У ердан ҳар бир тармоқдаги қундалиқ ҳисобот бирлашма раҳбариятига етказилади. Тузатиш бюралари яқиндан ташқари ҳар кун соат 8.00 дан 18.00 гача ишлайди. Шанба кунидаги шикоятлар душанбада бажариларди. Ҳар пайшанба кунлари телефон тармоқларининг бош муҳандислари, тармоқ АТБ бошлиқлари, бирлашма вакиллари МАТБда йигилишади, ҳафта давомидаги ишларни таҳлил қилинади, зарур чора-тадбирлар белгиланади.

— АТБларда ишловчилар қандай фазилатларга эга бўлишлари керак?

— Тузатиш бюраларида ишловчилар абонентлар билан бевосита мулоқотда бўладиган кишилардир. Телефони ишламай қолган одамнинг аҳолини бир тасаввур қилинг. Бундай вақтда баъзилар ўзларини камситилгандек ҳис этишлари мумкин. Шу нарса уларнинг кайфиятларида ҳам сўзларида ҳам ақс эътибори бўлади. Шунинг учун операторларимиз аввало вақтинчалик бўлишлари керак. Бирлашма фаолиятининг ҳамма жабҳаларига электроника, компьютерлар, ЭХМлари кириб келмоқда. АТБ ишлари ҳам бундан истисно эмас, шунинг учун компьютерларда ишларни билиш ҳам зарур.

Абонентларимиз бизга асосан икки тилда — рус ва ўзбек тилларида мурожаат этишади, шунинг учун АТБда ишловчилар икки тилни билишлари керак деб ҳисоблайман. Ҳозир ишлаётган ўзбек операторларимиз абонентлар билан рус ва ўзбек тилларида бемалол муоамала қила оладилар. Ҳозирча ўзбек тилини билмайдиган русийзабон операторларимиз эса ўзбек тилида жавоб беришлари лозим бўлган тақдирда, абонентни ёнлариди ҳаммасларига улайдилар. Шунинг учун оператор билан бемалол мулоқот қилаверади.

Операторлар учун зарур бўлган фазилатлардан яна бири — юксак масъулият ва маданият соҳиби бўлишликдир.

— Носоз телефонларни тузатиш борасидаги ишлар истиқболини қандай тасаввур қиласиз?

— Ҳар бир телефон тармоғи АТБ ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ҳозирча С.Раҳимов ва Чилонзор тармоқларида компьютер ва ЭХМларни жорий этиш ишлари якунланди. Бу тармоқлар абонентлари 084 ва 087 рақамларини терганларидан сўнг улар оператор ҳақида беради. Носоз телефон рақами ЭХМга киритилади. Шу йилнинг охиригача қолган тармоқларда ҳам ЭХМ ларни ишга тушириш жараёнидаги ниҳоятга етди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон дунёни, дунё эса Ўзбекистонни таниб бошлади. Тошкентда чет

эл элчихоналари, қанчадан-қанча қўшма қорхоналар очилди ва очилмоқда. Тошкентга келувчилар, телефонларимиздан фойдаланувчи хорижликларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Улар ҳам турли масалалар билан бизга кўнгирак қилишлари ва ўз тилларида мурожаат этишлари мумкин. Иккинчи томондан, соҳага чет эл техникаси кириб келмоқда. Шаҳардаги 36,44-АТСларда станция жиҳозларини электрон АТСларга алмаштириш ишлари тугалланди. 33-АТСда шу ишлар якунланиш арафасида турибди. Бу борадаги ишлар давом этаверади. Шуларни ҳисобга олиб, бирлашмада инглиз тили машғулоти олиб борилмоқда. Ривожланган давлатларнинг телефон тармоқларида алоҳида тузатиш бюралари йўқ экан. Биз ҳам республикада алоқа хизмати ривожлантиришга қаратилган Миллий дастур асосида иш олиб бораёғимиз. Яқин келажакда бизда ҳам шундай бўлса ажаб эмас.

— Абонентларга қандай истаklarингиз бор?

— Ҳалқимизда «хечдан кўра кеч» деган нақл бор. Кечроқ бўлсада, абонентларимизни бирлашма ҳодимлари номидан янги йил билан табриклайман. Янги йилда барча эзгу ниятларини амалга ошишини истайман. Имониятдан фойдаланиб уларга яна бир нарсани эслатиб қўймоқчиман. «Телефоним ишламаяпти» дея кўнгирак қилувчиларнинг маълум фойда вақтида абонент ҳақини ёки бошқа шахарлар билан сузлашиб пулини тўламаганликлари учун телефонлари ўчириб қўйилганларидир. Улар амалдаги қордаларни яқши била туриб, унга амал қилмайдилар. Баъзиларнинг лоқайдликлари туфайли телефон ишламай қолгани сабабчи бўладиган ҳоллар ҳам бор. Кўча-куйларда, маҳалларда, телефон каналлашчилари ўтган жойларда ўзларича ер казиб, қурилиш ишлари олиб борилиши натижасида телефон кабелларининг узилиши, шикастланиши бунга мисолдир. Телефон қудуқлари қопқоқларининг йўқолиши, қудуқлардаги кабелларни кўра-билатуриб, уларни ахлатга тўлатиб ташланиши, ҳатто ёқиб юборилиши, кабелларни кесиб кетилиши кўпчилик учун таниш манзарадир. Биз ҳам фаришталар эмасмиз. Хато ва камчиликлардан холи эмасмиз. Бундай ҳолатларни вақтида билмай, чора кўра олмай қолганимиз мумкин. Шунинг учун абонентларимиздан илтимосимиз — шу масалада бизга ёрдам беришса. Бунинг учун ҳар бир тармоқдаги диспетчерларимизга 0425,0910 телефонлари орқали хабар беришса, бизга катта ёрдам қилган бўлардилар.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
суҳбатлашди

ҚУТЛОВ



Тошкент Электротехника алоқа институти «Телекоммуникация узатиш тизимлари» кафедрасининг муdiri Искандар Берганов 40 йилдан бери малакали мутахассислар тайёрлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Искандар Берганов кўплай илмий ишлар муаллифидир. Унинг раҳбарлигида тўрт киши техника фанлари номзоди бўлди.

Искандар Берганов бошқараётган кафедра жамоаси алоқа соҳасининг долзарб муаммолари, жумладан, ишлаш талаби телекоммуникация узатиш тизимларидан фойдаланишнинг техник усуллари, телекоммуникация тизимларида микропроцессорлик қурилмалар каби масалалар ҳақида илаломқдалар. Уларнинг асосий фаолияти янги ўқув дастурлари тузишга, ёш мутахассисларнинг билим доirasини кенгайтиришга қаратилган.

Искандар Берганов 60 ёшга тўлди. Шу муносабат билан захматхак алломи чин дилдан қўтлаймиз, унга сихат-саломатлик, узоқ умр, ишларида зафарлар тиллаймиз.

Институт жамоаси ва курсдошлари номидан профессор М.ОРИПОВ, доцент А.ВИШНЕВЕЦКИЙ

МИЛИЦИЯНИНГ ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ

Наманган вилояти ички ишлар бошқармасида ишонч телефони ишлаш бошлади. Энди наманганликлар ички ишлар бўлимининг фаолияти ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини бемалол айта олишлари мумкин.

— Бундай асосатни йўлга қўйишдан эътибор мақсад аҳоли билан бевосита алоқа ўрнатиш, ҳар бир кишига ҳуқуқ-тартибот идоралари иши ҳақида ўз фикрини, таклиф-истакларини айтишга имкон яратилди, — дейди Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Баҳромжон Раҳмонов. — Ишонч телефони орқали жиноят тасодифан гувоҳ бўлиб қолган ёки шу ҳақда биров бир нарсани билдирган кишилар сым қоқишлари мумкин. Жоиз бўлганда бундай хабарлар асосида зулфик билан чора-тадбирлар кўрилади. Одамларнинг ҳар бир шикояти, илтимос ва маълумоти ҳисобга олинади. Хуллас, ишонч телефони орқали келадиган хабарлар милиция идоралари ишини яхшилашга ёрдам бериши шубҳасиз.

Алоқа матбуот кўзгусида

Индонезиянинг фан-техника ва телекоммуникация соҳаларида қўлга киритилган ютуқлари халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакат иккинчи сунъий ер йўлошини фазога чиқариш

бўсағасида турибди.

Индонезия ҳукуматининг баёнот беришича, «Палапас-1» йўлоши 31 январь кuni Американинг Флорида штатидан учирилади.

1996 йили мамлакат фазода

ўзининг иккита телекоммуникацион йўлошига эга бўлади.

Миср зиёратчилар келиб-кейтиш борасида Осие мамлакатлари ичда олдинги ўринлардан бирини эгаллабди. Бу эра ташир-риф бюраётган сайёҳлар эндиликда ўзига хос қулайликка эга бўлдилар.

Мамлакатда сайёҳлар музей ва тарихий обидларни зиёрат қилишларида қулай бўлиши учун германиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда радиотелефон мосламалари жорий этилди. Бу борада ўтказилган дастлабки синов эса ҳамкорликни кенгайтиришга умид туғдирмоқда.

Дунёда бизнинг ўзбек халқидек саховатли, бағри кенг, болажон халқ бўлмаса керак. Бундоқ қараганда, у ўзи учун яшамайди, бир умр бола-чакам, неварачеварача дейди. Бир умр тийинлаб, мисқоллаб йиғинади-ю, топганини бир кунда совуриб, кўнгли жойига тушади. Унинг икити олий орзу-мақсади бор.

Бири яхши иморат қуриш, иккинчиси — катта тўй қилиш. Йўгон чўзилиб, ингичка узилдиган замонларда бу мақсадларга эришиш осон эмас. Шунга қарамай тўй-тўлқинлар, марака-издиҳомлар, «мен фалончидан камманми?» қабилидаги кимўзар мусобақалар да-

шундай бўладики, тўйга ҳамма нарса таппа-тахт, фақат «арзиманган» нарса — келин ёки куёв топиш қолади, холос. Бир ойнинг ичида унаштирилиб, тўй қилиш одатдаги ҳол бўлиб қолди. Шу қисқа фурсат ўзaro ишонч ва синовлар учун етарли бўлса-ку, нур устига аъло нур. Аксинча бўлса-чи? Бир ёзувчининг асарига ўқинганимдек, «Бу сигирмидики, сизонгич чиқиб қолса бозорга олиб бориб сотиб юборсанг!»

Ҳаётимизда тез-тез учраётган оилавий кўнгилсизликлар, қўйди-чиқдилар, ажралишларнинг бир сабаби ана шу пала-партишлик, шовша-шошарлик оқибати эмасмикан? Қизиқ,

лар мақтови билан тутканоғи бор қиз ҳам кўшқўллаб узатиб юборилаверади. Оқибати эса маълум...

Яқинда маҳалламизда кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Узоқ йиллар мактабда ишлаган муаллима қизини бир жойга унаштиради. Тўйга саноқли кунлар қолганда қудаларниқига одатга айланган таомилга кўра мебель — «стенка» олиб борилади. Қудда хола бунни қўриб, «импортний эмас экан-ку!» дея энгаси қотади. Сўнг қудасига дангал шундай дейди: «Ҳеч қиси йўқ, Сиз устига яна тўқ қиз минг беринг, ўрнига ўзимнинг «импортний» мебе-

* Турмуш чорраҳаларида

ТЎЙ НЕГА БУЗИЛДИ?

вом этаверади. Айни чоғда айрим урф-одатларимизга танқидий қаровчилар, кўрпага қараб оёқ узатиш тарафдорлари ҳам оз эмас.

Никоҳ тўйи билан боғлиқ одатлар, ортиқча даҳмаза-чиқимлар ҳаммага маълум. Шакланган таомилга кўра, агар икки ёш олдиндан бир-бирини билиб, синаб, аҳду паймон қилишмаган бўлса, бўлажак умр йўлдошини отаона ва улар қўйган совчилар танлайди. Бу удумни эскича, номақбул дея қараш ҳам тўғри эмас. Ота-она фарзанди—дилбандига фақат яхшилик-эзгулик, бахт-саодат тилайди. Аксариyat ёшлар худди шу йўл билан бахтини топиб, қўшгани билан кўша қарийди. Демак, бу ўринда отаонани қолоқликда, ёшларни тушунмасликда айблагша шовшилмаслик керак. Танишув ва қовушувнинг хорижий усуллари — газетга эълон бериш ва турли воситачи идора, клублар орқали ишни битириш йўллари ҳали у қадар омалашиб кетмаётган экан, ҳозирча ўша боболар удумидан фойдаланишга тўғри келади. Тўғри, бу удумни ҳар жиҳатдан мукамал, мақбул деб бўлмайди. Айтилик, хонадонда ўғил ва қиз бола воғга етмоқда. Бир умр орзу-хавас истагида йиғиниб юрган отаона (агар хонадонда бобо-бувилар ҳам бўлса, масала янада долзарб ҳисобланади) тезроқ, қўзининг тиригида тўй тарадудига тушишади. Гоҳо

баъзан одам бозордан ўзига бирон-бир матоҳ олгудек бўлса, обдон танлаб-саралайди, етти ўлчаб бир кесади. Аммо бўлажак умр йўлдошини танлашда...

Нақл қилишларича, одамзод туғилганда яримта бўлиб дунёга келар эмиш ва у ўзининг иккинчи ярмини — бахтини топсагина БУТҮН бўлар экан. Баъзи омадсизлар, бир умр иккинчи ярмини — бахтини тополмай ўтиб кетади. Оилавий бахт деганлари ана шундай ноёб-тансиқ нарса экан-да...

Турмуш, рўзгор бағоят мураккаб жараён. Унга арзиманган нарса раҳна солиши мумкин. Оилавий бахтнинг мукамал бўлиши учун икки ёшнинг севгиси камлик қилади. Аслида-ку, ҳар бир одамнинг ўзи бир олам. Икки оламнинг қовушиб, бир БУТҮН бўлиши — бир умр аҳил-тотув тил топишиб яшашда ота-оналар, қариндошу қўшнилар ўрни катта.

Онасини қўриб қизини, арқоғини қўриб бўзини ол, дея бежиз айтишмаган. Одатда, совчилар борган хонадоннинг таг-туғини, қудаларнинг қандай одам эканлигини, қизнинг одоби, тарбияси, юриш-туришини обдон сўраб-суриштиришади. Афсуски, бу саъй-ҳаракатлар ҳамisha қутилган натижани беравермайди. Гап фақат «Одамнинг оласи ичида» эканлигида эмас. Бизда ўзбекчилик, юзхотирчилик кучли. Ҳаммаҳалла, қўни-қўшни ҳақида ёмон гап айтиш қийин. Баъзида қўшни-

лимни қўйиб қўяман». Маошдан маошгача кун санаб, зўрса тириқчилик қилаётган боёқиш муаллима ичидан зил кетса ҳам ноилож чидайди. Шунда қудаси иккинчи бор қовун туширади.

«Қариндошларим фалонча, уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида патнис қиласиз!» (Патнис—қимматбаҳо сарупо ва мева-чевалар эканини биласиз). Бу гал ҳам сир бой бермаган муаллима кўнглида қатъий бир қарорга келса-да, паст келмайди: «Айтганингиздан ҳам зиёда қиламан, қудажон, сира ташвишланманг!»

Дардини зўрга ичига ютиб жўнаган муаллима эрига бор гапни айтади. Маслаҳат-қарор қатъий эди: тўй бўлмайди!

Орадан кўп ўтмай муаллима қизини бошқа жойга турмушга чиқаради. Ишқилиб, қизининг бахти очилган бўлсин...

Юқоридаги ноҳуш воқеа бир неча кунгача хаелимдан кетмади. «Тил топишолмаган» бу қудаларга тафсилотларни чуқур билмай туриб ҳакамлик қилиш қийин, албатта. Аммо нима бўлсаюм тўйдан олдин бўлибди-ку!

«Кўнгилсизликлар, бошогриқлар тўйдан кейин юз берса нима бўларди?» деган фикр хаелимдан ўтди. Шу боис муаллиманинг журъатини ёқлагим келди.

Ҳўш, бу ҳақда Сиз нима дейсиз?

Ш. ОТАБЕК

ҲАЁТИЙ ЎГИТЛАР

- Анушервон Бузургмехрдан сўради:
 — Бахтли одам ким?
 — Уч нарсани уч нарса билан безаган, яъни фикрни тўғрилиқ билан, сўзни ростлик билан, феълни саховат билан! — деди у.
 Яна сўради:
 — Номуносиб дўстдан қандай қутилса бўлади?
 — Зиёратига бормаслик ва нарса сўрамаслик билан! — деди у.
 Яна сўради:
 — Лоқиза инсонлардан қандай узр сўралади?
 — Ҳожатини раво қилиш билан! — деди у.
 Яна сўради:
 — Яширин сирлар қачон ошкор бўлади?
 — Мастиликда! — деди у.
 Яна сўради:
 — Қўришдан кўзга қувват ва нур ҳосил қиладиган нима?
 — Вафодор хотин ва қобил фарзандлар! — деди у.
 Яна сўради:
 — Жондан ҳам ширин нарса нима?
 — Беғараз дўст сўхбати! — деди у.

«ҚОНУНИ ҲИҚМАТ» асаридан



Ҳижронда куйган юракни
Босмагай сув тафти ҳам.

БОЛАНING ТИЛИ ШИРИН

Тўққиз яшарли жияним Фаррух уйда товуқ боқарди. Шаҳардан келган тоғаси бир кунин ундан ҳазиллашиб сўради:

- Фаррух, хўрозингни бир кунга бериб тургин, товуқларим эрикиб қолди.
- Йўқ, беролмайман.
- Нега энди? Берақол.
- Беворсам, хўрозим шаҳарлик товуқларингизга ўрғани қолиб, кейин бу ердаги хотинларига қарамай қўяди-да.

Ўртоқлари билан футбол ўйнаётган Фаррух хўрозининг қўзиб қичқираётганини эшитган заҳоти бутун вужуди қулоққа айланиб, тек қотди.

— Нима бўлди? — ўртоқлари ҳайрон бўлиб сўрашди.

— Жим, жим, — деди Фаррух ва қичқирқ тутагач қўзини афсус билан силжитди. — Эҳ аттанг, охирини сал ўхшатолмади-да...

- ***
- Фаррух хўрозининг қичқиршига астойдил ишқибоз эди. Бир кун хўрозининг қичқирини эшитиб бўлгач, «Аттанг!» дея бош-бош қилди.
- Нега афсусланыпсан, ўғлим? — деб сўради отаси.
- Акамга ачинапман.
- Нега энди.
- Чунки у хўрозининг қичқирини эшитолмади-да.

Ш.ЭРГАШ ўғли

ХАНДАЛАР

- Ҳўш, юзтадан отамизми?
- Менга мумкин эмас — руддан!
- Ҳеч қиси йўқ, сенга қизилдиган қўяман, қанча аралашгани текширувда билинмайди.
- ***
- Полиция бошлиғи хизматга яқинда келган изкуварга дақи беради:
- Ахир жиноятчининг издан тушган эдинг-ку! Нега энди уни қўлдан чиқарвор-

динг?
 — Тўғри, изма-из келаётган эдим, у бирдан кинотеатрга кириб кетди.

- Ҳўш, сен-чи?
- Мен бу кинони илгари кўрган эдим-да.

Хотин эрининг ишхонасига кўнғирок килди:
 — Ҳўжайин, бу оқшом бизни мехмонга тақлиф қилишди. Ҳўш, борамизга?
 Ҳўжайин индамай бошини ликиллатиб, гўшакни жойига қўйди.

 Опера спектаклида томоша-

бинлардан бири сахнадаги артист ижро этаётган арияни хирғой қилаётган эди, қўшниси хитоб қилди:

- Худо ҳақи жим бўлинг!
- Сиз менга гапиряписизми? — деб сўради қўшниси.
- Йўқ, сизни тинглашга халақит бераётган ана бу артистга гапиряпман.

Бемаҳалда тунда бир кимса қаршисидан келаётган кишига дўқ уриб, деди:
 — Пулни ёки ҳамёни?
 — Ана холос! Мен ҳам, сиздан худди шу нарсани сўрамоқчи эдим!

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖУРАБОВ Шўхрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
 Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб)
 Мирпўлат МИРЗО
 Тоҳир РАҲИМОВ
 Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ
 Бобохон ШАМИРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўриной АҲМЕДОВ

ОТАУЛИ Саидмахмуд АКБАРОВ Шохрўқ АКБАРОВ Мехмонқул ИСЛОМҚУЛОВ Жамол КАМОЛ Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД Сафар ОСТОНОВ Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарриратта келган қўлашлар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатта олшн №000011. Буғуртга №Т-045. 9894 нусxada чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-й. 1 2 3 4 5 6

